Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 5 декабрь, сешанба. №148. (21.911) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

4 декабрда Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентлари Асакадаги «ЎзДЭУавто» автомобиль заводига ташриф буюрдилар, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари билан танишдилар ва ишчилар билан суҳбатлашдилар.

Шу куни Президентлар Ислом Каримов ва Асқар Акаев Андижондаги янги қурилган теннис кортининг тантанали очилиш маросимида ҳам қатнашдилар.

Андижон аэропортида Президентлар Ислом Каримов ва Асқар Акаевнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев шу куни Андижондан Бишкекка жўнаб кетди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АЙРИМ КОРХОНАЛАР ВА МОЛ-МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида» 1995 йил 31 августдаги 119-1-сон қарорини бажариш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари;

давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган, хусусийлаштирилмайдиган ва сотиб олинмайдиган корхоналар, объектлар, давлат мол-мулки гуруҳлари рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар, объектлар, давлат мол-мулки гуруҳлари рўйхати;

Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан 1996 йилда давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар, объектлар, давлат мол-мулки гуруҳлари рўйхати;

иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалар бўйича объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда улардан тушадиган маблағлар юзасидан 1996 йилги топшириқлар;

республика вилоятлари бўйича кимошди савдолари ва танловларда қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш юзасидан 1996 йилги топшириқлар;

1996 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси объектларини кимошди савдолари ва танловларда сотиш бўйича топшириқлар.

Объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда уларни кимошди савдоси, танловлар ва биржа савдоларида сотиш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 31 июлдаги 273-ф-сон фармойиши билан белгиланган маблағларни тўлаш, тақсимлаш, ҳисобга олиш ва уларнинг тушуми ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилишнинг умумий қабул қилинган тартибларга қатъи риоя этилсин. Аралаш мулк объектларини кимошди савдолари, танловлар ва биржа савдоларида сотиш чоғида давлатга қарашли бўлмаган мулк объектлари учун маблағларни тақсимлашнинг қайд этиб ўтилган фармойишда назарда тутилган схемасига амал қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1996 йилда илгари хусусийлаштирилган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, матлубот кооперацияси объектлари жойлашган ер участкаларини уларнинг эгалари бюртманомаларига биноан сотишни таъминласинлар.

3. Республика вилоятлари бўйича 1996 йилда кимошди савдоси асосида ер майдонларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиш топшириқлари тасдиқлансин.

Ер майдонларини кимошди савдосида ҳақини бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан сотиб олишга рухсат берилсин.

4. Минтақаларнинг 1996 йилда кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Минтақалар ва халқ хўжалиги тармоқлари бўйича 1996 йилда акционерлик жамиятларига айлантирилаётган давлат корхоналари акцияларини чиқариш жадвали тасдиқлансин.

6. Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига рўйхатларга тузатиш киритиш ҳуқуқи берилсин.

Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳукумат қарори қабул қилинишини талаб этувчи масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорни асос қилиб олган ҳолда 1996 йилда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг минтақавий дастурларини 20 кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқласинлар.

8. Белгилаб қўйилсинки, давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлар 1996 йилда ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлаш учун корхоналар ҳамда ташкилотларга йўналтирилади. Давлатга тегишли дивидендлардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш мулкнинг давлат улушларини бошқариш ҳуқуқи берилган тегишли вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва уюшмаларга юклансин.

Давлат мулки қўмитаси маблағлардан ноўрин фойдаланиш ҳолларини аниқлаганда улар Давлат мулки қўмитаси томонидан қонунчилик билан белгиланган тартибда ундириб олинади.

9. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг биринчи чораги, ярим йили, 9 ойи ва умуман 1996 йил якунлари бўйича Давлат мулки қўмитаси (В. Чжен) томонидан тақдим этилган материалларга биноан Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1995 йил 4 декабрь.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасидан хабар қилинишича, Парижда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан таништириш маросими зўр муваффақият билан ўтди. Республикамизнинг Париждаги элчихонасида шу воқеага бағишланган учрашувга таниқли сиёсат арбоблари, кўзга кўринган олимлар, ижодкор зиёлилар вакиллари, журналистлар келишди.

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Саидов тўпланганларга китобни тақдим этар экан, унда ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатда жамоат ва давлат тараққиёти чуқур таҳлил қилинганини таъкидлаб, юртбошимизнинг китобида баён қилинган концепциянинг аниқ-равшанлигига эътиборни қаратди. Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, кўп укладли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш, бозор муносабатларининг ҳуқуқий негизини яратиш, мулкни хусусийлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш жараёнлари, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан чуқурлаштириш бу муҳим ишнинг асосий йўналишларидир. Ислом Каримовнинг ўзи таниқли иқтисодчи бўлгани учун ҳам у мазкур китобида ана шу жараёнларни ўзининг илмий ва амалий тажрибалари орқали очиб беради.

Маросимда сўзга чиққан ўзбекистонлик таниқли олим, академик А. Асқаров Президентимизнинг республикамиз, Ўзбекистон халқининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатда ишлаб чиқилган сиёсатнинг қатъийлиги ва собитқадамлигини таъкидлаб, ўтиш даврида мамлакатни қайта қуриш стратегиясига асос қилиб олинган бешта муҳим тамойилга тўхталди.

Француз олимлари — доктор Пьер Лериш ва қадимги Афросиёб қазилмаларида қатнашиб, мамлакатимизда яхши танилган археолог Франсуа Рене Президентимиз Ислом Каримов китобининг аҳамияти катталигини айтиб, унда халқни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш йўли аниқ баён қилинганини таъкидлашди. Ўз аждодлари тарихини яхши билиш, ёш авлодни тарихга, маданият ва ўтган аждодлар анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ёшларни жаҳон маърифати қадриятларидан ва чинакам маънавиятдан баҳраманд қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Сўзга чиққан кишилар Ўзбекистонда қарор топган сиёсий барқарорлик ва миллий тотувлик вазиятига, Ислом Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсатига юқори баҳо бердилар. Тинчлик, барқарорлик , Ўзбекистон диёрида истиқомат қилаётган одамлар ўртасидаги аҳиллик — ёш мустақил давлатда ислоҳотларни, барча ижобий ўзгаришларни амалга оширишнинг гаровидир, деб таъкидланди маросимда.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти ушбу масалани кўриб чиқиб, махсус қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқлари, деб таъкидланади унда, моҳиятан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни тезлаштириш, уларни муваффақиятли амалга ошириш йўлида мавжуд тўсиқлар, камчиликлар, нуқсонларни бартараф этишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур нутқларда кўтарилган масалалар, уларнинг ҳал этилиши бўйича олга сурилган фикр-мулоҳазалар партиямиз фаолиятини ҳозирги куннинг юксак талабларига монанд бўлишига эришишда унинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир аъзоси учун дастуриламал ҳужжатлардир. Котибият буларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг юртбошимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларини белгилаб олиш мақсадида, шу йилнинг декабрь ойида, Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар партия кенгашларининг кенгайтирилган пленумларини ўтказишни зарур, деб топди ҳамда маҳаллий партия кенгашлари зиммасига ушбу муҳим сиёсий тадбирни амалга ошириш вазифасини юклади. Пленумларда юртбошимизнинг нутқларида баён қилинган қоида ва хулосаларни ХДП аъзолари томонидан чуқур ўрганиш ҳамда уларни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилишни уюштириш, ҳаётга собитқадамлик билан изчил тадбиқ этиш, бу ишларда бошланғич партия ташкилотларининг пешқадамлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Қарорда Марказий Кенгаш аъзолари ва бўлимларнинг пленумларни юксак савияда ўтиши учун маҳаллий партия кенгашларига амалий ёрдам кўрсатишлари кераклиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Котибият, шунингдек, Ўзбекистон ХДП матбуот нашрлари таҳририятларига давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларидаги нутқларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб ҳамда ташвиқ этиш, фуқароларимизни улардан келиб чиқадиган вазифаларни изчил бажаришга сафарбар этишда давлат ҳокимияти идоралари, партиямиз ташкилотларига яқиндан кўмаклашишни топширди. Айни пайтда, уларга, мамлакатимиз Президентининг оммавий ахборот воситалари олдига қўйган талаб ҳамда вазифалари асосида, ўз фаолиятларини қайтадан кўриб чиқиш чораларини кўришлари зарурлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»— ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетамизнинг фуқаролар учун обуна баҳоси
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 1210,80 сўм.
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси —64588.



МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги муваккат ишлар вакили Ханс Юрген Кайльхольц қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, мамлакат Олий Мажлисидаги партия фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Халқ демократик партияси, унинг ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсатини рўёбга чиқаришга фаол кўмаклашиш бўйича амалий ишлари ҳамда ХДП депутатлар фракциясининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди, унинг саволларига жавоб қайтарди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар самарали ривожланаётганидан қониқишда эканликларини изҳор этдилар. Бунда давлатимиз раҳбарининг яқинда ГФРга қилган сафари муҳим аҳамият касб этганлиги таъкидлаб ўтилди, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб беришига ишонч билдирилди.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Туркия Бош вазири Тансу Чиллер уч кунлик расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасига боради. Тансу Чиллер ташриф давомида ГФР раҳбарияти билан учрашади. Музокараларда, асосан, Туркиянинг Европа Ҳамжамиятининг божхона иттифоқига аъзо бўлиш масаласи муҳокама қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН

Россия Федерацияси мудофаа вазири Павел Грачев 8-9 декабрь кунлари расмий ташриф билан Беларусь Республикасига келади. Бу ҳақда Беларусь Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот маркази хабар қилди. Ташриф дастурида Россия мудофаа вазирининг Беларусь Президенти, Бош вазири ва мудофаа вазири билан учрашуви режалаштирилган. Музокаралар натижасида эса Россия билан Беларусь ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бир неча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

ЭНГ БОЙ СПОРТЧИ КИМ?

Шимолий Америка миллий баскетбол уюшмаси «юлдузи» Майкл Жордан йилнинг энг бой спортчиси сифатида тан олинди. У жорий йил давомида Чикагонинг «Буллз» жамоасида ўйнаб, қарийб 44 миллион доллар ишлади. У 3,9 миллион долларни жамоада ўйнагани учун олган бўлса, реклама ҳисобидан 40 миллион доллар даромад кўрди.

Жаҳоннинг машҳур профессионал боксчиси Майк Тайсон гарчанд бу йил атиги бир бора жангга чиққан бўлса-да, 40 миллион доллар гонорар олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Шимолий Америка миллий баскетбол уюшмасининг яна бир «юлдузи» Шакил Оънил ҳам мавсум давомида 21,9 миллион доллар фойда олди.

ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРАФДОРИ

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев Францияга ташрифи чоғида Тоғли Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори эканини таъкидлади. Биз Тоғли Қорабоғга сиёсий мухторият мақомини беришга тайёрмиз, лекин бунинг учун Арманистон мазкур вилоятниОзарбойжоннинг ажралмас бир қисми эканини тан олиши керак, деди Президент. Бироқ Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган музокараларда Арманистон ҳукумати бу таклифни рад этди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Малайзияда «Лима-95» деб номланган халқаро кўргазма очилди. Унда Россия Федерацияси ҳарбий техникаси ва замонавий қурол-яроғларининг юздан зиёд намуналари намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазма икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганини кўрсатади, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Бодомзор в bodomzor

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, Сиз янги йил кечаси ташвишларидан халос бўласиз, болаларни бениҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз. Совғалар яхши анъаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган. Шунингдек, табиий арчалар, хориждан келтирилган апельсин ва бананларни ҳам харид қилишингиз мумкин.

ЮКСАК СИФАТ, АРЗОН НАРХЛАР, АЪЛО БЕЗАК.

31 якшанба
ШОШИЛИНГ, ЯНГИ ЙИЛГА ВАҚТ ОЗ ҚОЛДИ!
декабрь '95

Ҳар 40-совға бепул!

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 63-73-96, 63-99-62, Факс: 60-05-74.

Бизнинг манзил: 700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Йўналиш: САМПИ институти.

ХДП: ҳисобот-сайловлар

ФУҚАРОЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИМИЗ

Партиямиз тарихида биринчи марта унинг қуйи бўғинларида ўтаётган ҳисобот-сайлов мавсуми қизғин паллага кирди. Шаҳару қишлоқ, меҳнат жамоаларию аҳоли истиқомат жойлари, хуллас, Ўзбекистон ХДП бошланғич тузилмалари бўлган ҳамма ерда йиғилишлар ўтаётир. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозиргача 5596 бошланғич партия ташкилотларида ушбу муҳим тадбир ўтказилиб, қолган 8166 бошланғич ташкилотларимизда уларнинг декабрь ойида ўтиши режалаштирилган.

Гап сонда эмас, балки сифатда, дейдилар. Ҳақиқатан, ҳисобот-сайловларни ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низоми меъёрий талабларига риоя қилиш билан бирга, партиямиз тамал тошларининг, бутун сафларимизнинг ўзига хос кўригини ўтказиш, ташкилотларимиз, сафдошларимизнинг жамиятимиз олдида турган тақдириломон вазифаларни адо этишдаги ташаббускорлигини, фаоллигини янада оширишга кўмаклашишдир.

Кузатишлар, амалда мажлислар асосан шундай руҳда ўтаётганлигини кўрсатмоқда. Ҳисобот маърузалари ва музокараларда ташкилотларимизнинг босиб ўтган йўли, кўп қиррали фаолияти, ХДП аъзоларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки, яъни қилинган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинмоқда, мустақил Ўзбекистон рахбариятининг халқимиз манфаатларига мос ички ва ташқи сиёсати қўллаб-қувватланмоқда.

Энг муҳими шуки, кўплаб партиясизлар иштирокида ўтаётган йиғилишларнинг қатнашчилари баландпарвоз гаплар, ҳавойи шиорлару мавҳум масалалар ҳақида эмас, балки аниқ ишлар, режалар, навбатдаги вазифалар, турмушнинг аччиқ-чучуклари хусусида халқимизга хос роя-андиша, мулоҳаза ва босиқлик билан сўзламоқдалар. Чунончи, Урганч шаҳридаги 15-маҳаллада, Қарши туманидаги «Насаф», Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида фаолият кўрсатаётган БПТ ҳисобот йиғилишларида ташкилотларимизнинг аҳоли эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашга доир Президент фармонлари бажарилишини назорат қилиш, беваю бечоралар, етим-есирлару ногиронларга моддий, тиббий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, кичик корхоналар, цехлар очиб, янги иш жойларини вужудга келтириш, ёшлар тарбияси, ободончилик соҳасида қилаётган ишлари тўғрисида далилий мисоллар билан гапирилди. Шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар, ХДП айрим аъзоларининг ташаббуссизлиги, уларнинг ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга шошилмаётганликлари танқид қилинди, ташкилот фаолиятини кучайтиришга қаратилган кўплаб истак ва таклифлар билдирилди.

Лекин, йиғилишлар ҳамма жойда талаблар даражасида ўтаётир, деган фикрдан йироқмиз. Мажлисларга яхши ҳозирлик кўрилмаган, партиямиз шаҳар ва туман кенгашлари ходимлари уларга амалий ёрдам кўрсатмаганликлари оқибатида маърузалар мазмунан саёз тузилган, музокараларда қатнашганларнинг сўзларида ташкилот, жамоа, маҳалла, партия ва мамлакат тақдири учун жиддий ташвишланиш сезилмаётган, пухта ўйланган таклифлар киритилмаётган БПТ йиғилишлари тўғрисида мисолларни туман ва шаҳарлардан келтириш мумкин. Аммо, мақсад уларнинг номини тилга олиш эмас, балки мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишдир. Чунки, ўз-ўзидан тушунарлики, бундай, расмиятчилик юзасидан ўтказилган йиғилишлар бесамара бўлади, умумий ишимизни яхшилашга хизмат қилаолмайди.

Баъзи бир сабабларга кўра, кўпчилик партия гуруҳлари, цех ва бошланғич партия ташкилотларида ушбу тадбир йилнинг охирги ойига тўғри келмоқда. Вақт зиқлигига қарамасдан, уларга ҳар томонлама ҳозирлик кўриш, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик, ХДП аъзоларининг ташаббускорлигини оширишда улардан самарали фойдаланиш — шу куннинг энг долзарб вазифасидир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқлари руҳида партиямиздаги муҳим сиёсий воқеа — ҳисобот-сайлов мавсумини юксак савияда ўтказиш талаб қилинади.

Албатта, юртбошимизнинг ушбу нутқлари йигирма уч миллионли аҳолиси бор мамлакатни бошқараётган, қарийб бир ярим аср ҳукм сурган мустамлакачилик ҳамда мустабидлик бўйинтуруғидан қутилган халқнинг тақдири, унинг бугуни, эртанги куни ва истиқболи учун масъулият юкини ўз елкасига кўтариб турган кишининг масалаларга давлат нуқтаи назаридан ёндошуви, муаммолар ечимини тўғри топиши, ходимлар ишига ҳаққоний баҳо бериши, кенг кўламлилиги билан фарқ қилади. Уларда кўтарилган масалалар, олға сурилган ғоялар, ҳеч шубҳасиз, умуммиллий даражадаги дастурий аҳамиятга эгадир. Улар, айни пайтда, чуқур таҳлил, пухта ўйланган таклифлар, мамлакат, халқ, инсонлар манфаатлари устиворлиги ҳақидаги қоидага риоя қилиш, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашда қатъият, жамиятнинг келажагини ўйлаш билан ибратлидир.

Демак, ташкилотларимиз фаолияти таҳлили, маълум муддат давомида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот, биринчи навбатда, чуқур ва ҳар томонлама бўлмоғи лозим. Унда ташкилотнинг, унинг таркибидаги ҳар бир партиядошимизнинг, хусусан, раҳбар шахсларнинг фаолиятига холис баҳо бериш, уларни мавжуд имкониятларга эътиборини қаратиш талаб этилади.

Ҳар қандай ўтиш давридек, биз кечаётган даврнинг ҳам талайгина мушкулликлари бор. Иқтисодий муаммолар, кишилар онгининг бир зумда ўзгармаслиги, яъни мутлик тафаккуридан қутилишининг бирмунча муддатга чўзиладиган мураккаб жараён эканлиги билан боғлиқ камчиликлар билан бир қаторда, ходимларнинг айби туфайли йўл қўйилган нуқсонлар, қўпол хатолар ҳам учраб турибди.

Президент Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари, шаҳар, туманлар раҳбарларини, корхоналар, хўжаликлар, молия муассасалари бошлиқларини аниқ далиллар асосида иқтисодий ислоҳотларнинг суст бориши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга доир фармонларнинг қониқарсиз бажарилиши, мактабмаориф ва маданият ишлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги мавжуд жиддий камчиликлар учун қаттиқ танқид қилди.

Шунга ўхшаш нуқсонлар бошқа жойларда йўқ дейсизми?! Афсуски, бор. Аммо, шунга қарамай, кўп ҳолларда ўзимизни билмаганга, кўрмаганга соламиз. Ваҳоланки, биздан — мамлакатдаги йирик сиёсий партия аъзоларидан жамиятимизда рўй бераётган барча ишларга бевосита дахлдорлигимизни ҳис этиш, халқимиз, фуқаролар тақдири учун чуқур масъуллигимизни аниқ-равшан тасаввур этиш талаб қилинади.

Бундан хулоса шуки, ҳисобот-сайлов йиғилишларидаги маъруза ва музокараларда қилинган ишлар таҳлили очиқ, асосли, соғлом танқид руҳида бўлиши лозим. Албатта, ўйламасдан, юзаки танқид қилинса, бу ишда «қош қўяман деб, кўз чиқариш», одамларни беҳуда ранжитиш ҳам мумкин. Шу боис, танқид қилишдан мақсад — ҳато ва камчиликларнинг ҳақиқий сабабларини кўрсатиш билан бирга, уларни бартараф қилиш усулларини биргалашиб топиш, масъул ходимларга нисбатан талабчанликни ошириш, шунингдек, танқиднинг бунёдкорлик, тарбиявий хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда, ташкилотларимиз раҳбарларининг фаолиятидаги камчиликларни танқид қилиш, уларга маслаҳатлар бериш, таклифларни айтиш билан бир қаторда, партиямиз оддий аъзоларига нисбатан ҳам талабчанликни ошириш, уларнинг айримларидаги боқимандалик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларидан фориғ бўлишларига кўмаклашиш зарурдир.

Шу муносабат билан ўзининг тадбиркорлик ишлари туфайли одамларнинг оғирини енгил қилаётган, қишлоқ, кўргонча, маҳаллада кичик саноат ёки маиший хизмат корхонасини очиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳисса қўшиш орқали қўшимча иш жойларини вужудга келтираётган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ибратли ишларини тарғиб қилишимиз ҳам муҳимдир.

Жумладан, икки йил ичида кичик корхоналар сонини 19 тадан 600 тага етказган республика фахрийлар ташкилотларининг бу борадаги фаолияти таҳсину тарғибга лойиқдир. Қарилик гаштини суриш учун имкониятлари бўлишига қарамай, тиниб-тинчимаётган отахону онахонларимизнинг янгича ҳаёт тарзимизнинг замини — бозор иқтисодиётига ўтишга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари мисолида ёшларни тарбиялаш, уларнинг Ватанимиз истиқболига монанд кишилар бўлиб етишишларига ёрдамлашиш партиямиз ташкилотлари учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Юртбошимизнинг кейинги нутқларида ёшлар тарбияси масаласига барчанинг диққатини яна бир бор тортилиши бежиз эмас. XXI асрда яшаб, самарали меҳнат қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, турмушнинг, аччиқ-чучугини кўрган, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, хусусан ва жумладан, мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, устозларнинг бош вазифасидир.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, биз келгуси авлод баркамоллиги, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос юксак фазилатлар соҳиблари — оқил, маданиятли кишилар бўлишларига эришишга дахлдор масалаларни ҳал этишга доимо эътибор бермоғимиз керак. Иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, етарли даражадаги замонавий билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларимизнинг енгил-елпи йўллар билан пул топиш мақсадида тижоратга берилиб кетишларига бефарқ қараш, маориф ва маданият муассасаларининг мушкулини осонлаштириш устида бош қотирмаслик, маънавият — мустақиллигимизнинг пойдор таянчи, келажагимизнинг ҳал қилувчи омили эканлигини идрок этмаслик — ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган гуноҳи азимдир. Бундай ноқобил раҳбарларга 1941—1945 йиллар даҳшатли уруши даврда мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Муқимий номидаги театр биноси қурилганлигини эслатгинг келади. Ахир, ҳозирги, енгил бўлмаган, шароитда ҳам янги мактаблар қад кўтараётган, болалар боғчалари, кутубхоналар қурилаётган, бошқа маданият масканлари очилаётган шаҳар ва қишлоқларимиз озми?!

Республикамиз раҳбарияти, Президентнинг ташаббуси билан, мамлакатимиз фани, маорифи, маданиятини ривожлантиришга доимий эътибор бераётганлигини, жамиятимизни маънавий янгилаш борасида қилинаётган салмоқли ишларни ким инкор эта олади?

Буларнинг моҳиятини аҳоли барча қатламларига етказиш, жойларда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда, оммавий-сиёсий тадбирларни уюштиришда ташаббускор бўлиш, бу ишда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш — партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини рўёбга чиқариш учун муҳимлигини эсдан чиқармаслик керак.

Шу билан бирга маданият масканлари йўқ, клуб ва болалар муассасалари ишламаётган, кутубхоналар ёпиқ, шифохоналар ночор аҳволга тушиб қолган ҳолларда зинҳор муросага бормаслик, талабчан, ташаббускор бўлиш партиямиз обрўсига обрў қўшади, унга халқнинг ишончини оширади. Яқинда партиямиз Марказий Кенгаши Котибияти ХДП нашрларига 1996 йил учун обунанинг боришини кўриб чиқиб, кўпгина вилоят, шаҳар, туманларда унинг қониқарсиз аҳволда эканлигини алоҳида таъкидлади. Матбуот партиямиз дастурий ғоялари, ҳукуматимиз ички ва ташқи сиёсати ҳақида ахборотларнинг муҳим манбаи бўлиб турган бир пайтда қатор шаҳар ва туманларда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига обуначилар миқдорининг ўта паст бўлишини қандай тушунса бўлади? Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида шу ҳақда очиқ-ойдин гапириш, аҳволни ўнглаш воситаларини қидириб топиш ҳам уларнинг бевосита ишидир.

Ўзбекистон Конституцияси фуқароларга жамиятимиз берган эркинликлар ва ҳуқуқлар ҳамда бурчларни тушунтириш, ҳар бир кишини давлатимизнинг барча қонунларига тўла риоя қилишга мунтазам даъват этиш, аҳолини ҳуқуқий маданият руҳида тарбиялаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, мафкуравий соҳадаги ишларимизнинг ажралмас қисмидир. Чунки, қонунларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминламай, ҳуқуқий давлатни, демократик жамиятни қуриш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

ХДП қуйи бўғинларининг ҳокимликлар, корхона, хўжалик маъмурияти ва жамоат ташкилотлари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари билан биргаликда юртимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ундаги тозаликни таъминлаш ишларида фаол иштирок этишлари тўғрисида эслатмаса ҳам бўлади. Чунки, ҳар бир инсоннинг соғлиги ҳақида қайғурадиган бўлсак, шаҳару қишлоқ, кўча ва уйжойларимизни, озодаю ораста бўлиши, ахлат ва чиқиндиларни ўз вақтида бартараф этилиши, юқумли касаллар тарқалиши олдини олиш, ичимлик сувининг тозалиги, атроф-муҳитнинг ифлосланмаслиги устида бош қотиришимиз, бу ишда жамоатчиликнинг бевосита фаол иштирок этишига эришишимиз даркор. Халқимизнинг бу соҳадаги анъаналарига мурожаат қилиш, улар ҳақида фарзандларимизга гапириб бериш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Сафларимизда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар оз эмас. Уларнинг маслаҳатларини олиб туриш, тажрибаларидан фойдаланиш ташкилотларимизни хатолардан ўз вақтида сақлаб қолиш, ҳаётий муаммоларни тўғри ҳал этиш учун бебаҳо омилдир. Лекин, барча ташкилий-сиёсий, ташвиқий ва тарғибий ишларни уларнинг зиммасига юклаш нотўғридир. Кексалар тажрибасини ёш авлоднинг куч-ғайрати билан уйғунлаштириш мақсадида иқтидорли, эътиқоди мустаҳкам, халқ ғамида югуриб-елиб ишлайдиган ёшларни сайланма лавозимларга кўтариш бу ўриндаги муҳим вазифалардан саналади. Партиявий ишларда пишган, одамлар билан муомала қила билиш, уларга раҳнамолик қилиш ҳуқуқини орттирган кишиларнинг давлат идораларида, хўжалик ҳамда ташкилотларда раҳбарлик қилишдек масъул вазифаларни муваффақият билан бажараётганликларини тажрибада кўриб турибмиз.

Ушбу масалалар Марказий Кенгаш Котибиятининг бугун газетада эълон қилинаётган қарорига биноан ўтказиладиган партия маҳаллий кенгашлари пленумларида ҳам муносиб ўрин эгаллаши табиийдир.

Хулоса қилиб айтганда, кенг кўламли туб ўзгаришлар йўлидан қатъий бораётган мамлакатимиз, халқимиз олдида тақдириломон вазифалар турибди. Уларни адо этишда фаол иштирок этиш, бунёдкорларнинг биринчи сафларида бўлиш, амалий ишларимиз билан партиямизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш — ХДП ҳар бир аъзосининг юксак фуқаролик, ватанпарварлик бурчи. Ҳозирги ҳисобот-сайлов мавсуми ана шу талабга мазмунан ва шаклан жавоб бергандагина, у, кутилган натижани бера олади.

Ўзбекистон Конституцияси куни олдидан

МУШТАРАКЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА ДАЪВАТ

Мустақил давлатимиз Асосий Қонуни қабул қилинган куннинг уч йиллиги олдидан республика Байналмилал маданий марказида мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон халқи бирлигининг конституциявий асослари» масаласи муҳокама этилди. «Президент И. А. Каримов Ўзбекистон халқи муштараклигининг аҳамияти ва уни янада мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида» мавзуида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жўрабоев, «Миллий тикланиш» партияси раҳбарияти вакили К. Норматов, республика Байналмилал маданий маркази раҳбари К. Расулов маъруза қилдилар, қатор иштирокчилар сўзга чиқдилар. Давра суҳбатини Ўзбекистон Халқ бирлиги ҳаракати раиси Т. Долимов олиб борди. Мулоқот республикамиз халқи номига мурожаатнома қабул қилиш билан якунланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



Суратда: Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги трактор ҳайдовчиси Жалолиддин Пўлатов. У қишки мавсумда ем-хашак ташишда чорвадорларга кўмакдош.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Истиқлол ва истиқбол

ИСЛОҲОТЛАР СИНОВИ

Боёвут тумани ҳокими Аҳад ПРИМҚУЛОВ билан суҳбат

— Боёвутликлар ўз туманининг 40 йиллиги нишонланаётган йилни қандай натижалар билан якунламоқдалар?

— Ўтиб бораётган йилимиз биз учун анча омадли келди. Йил бошидаги ниятимиз — Боёвутнинг эски шуҳратини тиклаш, туманимиз иқтисодини оёққа қўйиб олиш эди.

Энг аввало, ғаллачиликни ривожлантириш борасидаги уринишларимиз самарали бўлди. 19 минг тоннадан зиёд ғалла етиштирдик. Ҳосилдорлик туман бўйича 29,5 центнерни ташкил этди. Навоий номли, «Деҳқонобод» жамоа хўжаликларида 40 центнерга етказиб хирмон кўтарилди.

Иқтисодимизнинг асосини ташкил этадиган пахтачилик борасидаги натижалар эса янада қувонарли бўлди. Туманимиз тарихида биринчи бор октябрь ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ йиллик режани ошириб адо этдик. Ҳозирга қадар давлатга 47 минг 350 тоннага яқин хом ашё сотилди. Бу режадагидан деярли 4 минг тонна кўп.

Туманимиз меҳнат аҳли халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришдилар.

— Энди туманнинг 40 йиллик ўтмишига бир назар ташлаб ўтсак.

...Боёвут туманининг ташкил этилиши Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш, сахролар ўрнида обод ва фаровон қишлоқлар барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан эди.

1946 йилнинг баҳорида Фарҳод ГЭСининг ғарбий соҳилидан 14 чақирим узоқликдаги каналдан дастлаб сув оқа бошлаган эди. Ўша вақтда у Боёвут магистрал канали деб аталарди. Кейинчалик эса канал кенгайтирилди. У Жанубий Мирзачўл канали дея юритила бошланди. Бу йирик об-ҳаёт йўли ҳам туманимиз ҳудудидан оқиб ўтади. Ундан икки қўшни вилоят — Сирдарё ва Жиззах деҳқонлари ўз ерларига об-ҳаёт таратмоқдалар. Бу каналдан мазкур вилоятларнинг асосий экин майдони суғориб келинмоқда.

2-«Боёвут», яъни ҳозирги Усмон Юсупов номли хўжаликка Усмон ота Юсуповнинг кўп меҳнати синггани, у кишининг Мирзачўл қўриғи бағридаги бу хўжаликни ташкил этишга қўшган ҳиссаси, бу жойларда ўтказган йиллари ҳақида кўп ёзилган. Боёвутликлар эса Усмон Юсуповнинг ўз юртида яшаб, қатор хўжаликлар, боғлар, экинзорлар яратишга қўшган ҳиссаси билан ҳақли равишда фахрланадилар. Шунингдек, Ризамат ота Мусамуҳаммедов қадамжо қилган жойлар, у киши яратган боғлар ҳам оз эмас.

Боёвутликлар ўзларининг жасур ва донгдор ўғлони, уруш ва Меҳнат Қаҳрамони марҳум Турсунбой Латиповнинг номи билан ҳам ҳақли равишда фахрланадилар.

Туманимиз тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин унинг асл шуҳрати туман сифатида ташкил этилганидан сўнггина атрофга ёйилди. Туман ташкил этилган ўша йилда унинг таркибига тўртта «Боёвут» давлат хўжалиги ва 5 та кичик-кичик жамоа хўжалиги киритилган эди. Қўриқ ва бўз ерларда ташкил топгани учун бу хўжаликларнинг оралигида бир-бирига бориш учун анча йўл босиб ўтиш лозим эди. Кўп ҳолларда ҳали бу йўлларнинг ўзи йўқ эди. Энди бўлса, хўжаликлар — хўжаликларга, қишлоқлар — қишлоқларга туташиб кетди.

— Иқтисодий ислоҳотлар даврида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Боёвутликлар иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга вилоятда биринчилардан бўлиб киришдилар. Хусусийлаштириш, туман маркази ҳамда қишлоқларида кичик корхоналар ташкил этиш, хусусий мулк эгаларини қарор топтириш сингари муҳим тадбирларни амалга ошириш борасида талайгина ишлар қилиб қўйилди. Ҳозир туманимизда 203 та деҳқон-фермер хўжалиги бор. Кичик корхоналаримиз сони ҳам 116 тага етди. Уларнинг кучи билан 738 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, 735 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалиги эса вилоятда биринчи бўлиб суттовар фермасини хусусий мулк эгаларига топширди. Деярли барча йирик хўжаликларимиз марказларида кичик корхоналар барпо этилмоқда. Навоий номли жамоа хўжалиги, 3-«Боёвут» ширкатлар уюшмаси ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

— Аҳад Примқулович, туман иқтисодини янада тараққий эттириш йўлида муаммолар ҳам йўқ бўлмаса керак?

— Биласизми, бизда ортиқча ерлар, экинзорлар йўқ. Бу дегани — мавжуд ерларнинг самарадорлигини оширишимиз керак. Шу маънода биринчи галда деҳқончилик маданиятини юксалтиришимиз, хўжаликларимизни техника жиҳатидан кучайтириш муаммоларини ҳал этишимиз, суғориш шохобчалари ишларини такомиллаштиришимиз лозим. Яна бир муҳим ва замонавий муаммо — иложи борича қишлоқларимизга ҳозирги кун саноати ютуқларини олиб киришимиз, хусусий мулк эгаларини кўпайтирмоқ зарур. Шуларни амалга ошириш йўлида қанчалар кўп, унумли ҳаракат қила олсак — республикамиз истиқлолини мустаҳкамлашга шунчалар самарали ҳисса қўша олган бўламиз.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сизга айтар гапим бор

ГУЛТУВАККА ЎСМАЛАР ЭКИШАДИ...

Қиз боласи кўп уй тўрт фаслда ҳам баҳорга ўхшайди: эшикни очишинг билан атир ҳидларини туясан, бу уйда оталар, акалар доим ўзини ўнглаб юришади. Пала-партиш кийинавермайди. Қиз бола кўп уйда, гултувакларда бўлса-да, райҳонлар ўсади. Умуман, қизлар кўп уйнинг суратида ҳам, сийратида ҳам ўзига хослик бўлади. Тошкент шаҳар Юнусобод даҳасида истиқомат қилаётган Раиса Мирзамуҳаммедова билан суҳбатимиз ана шу ўзига хослик ҳақида бўлди. Негаки, у кишининг, ёмон кўздан асрасин, беш нафар қизи бор. Ўзлари Тахтапулдаги юқумли касалликлар шифохонасида даволовчи врач.

— Касбим тақозоси билан кўпроқ аёллар-оналар билан мулоқотда бўламан. Баъзилари «қиз болани, асосан рўзғор ишларига тайёрлаш керак, яхши одамга турмушга чиқса, тинчиб кетади. Бошини оғритиб ўқитиб юрмаслик керак», дейишади. Бошқа бировлар эса «бошига иссиқ-совуқ кунлар тушиши мумкин, ўқитибми, ўқитмаймибирорта хунарли қилиб, кейин узатиш керак», деган фикрда. Раисахон, Сизнинг бу борадаги ўй-хаёлларингизни билгим келади...

— Менимча, икковиям керак. Ўй тутишни бекаму кўст ўргатиб, бирор касбнинг этагидан ушлатмай узатаётганлар таваккалчи одамлар. Уларнинг ишини Яратганнинг ўзи ўнгласа, эрининг топгани рўзғорга етса ё кейинчалик бирор ҳунарнинг бошини ўзи ушлашга имкон топса яна яхши. Агар тополмаса, ота-она бир умр ўзини кечирмайди. Шунинг учун қиз болани, ихлоси бўлса, албатта ўқитиш, ҳеч бўлмаса ўйда ўтириб бажариладиган касбга ўргатиш керак.

— Биласизми, баъзи келинчаклар кўғирчоқдай кийинишиб, ўзларига қараб юришади-ю, уй-рўзғор тутишга укувсиз бўлишади. Яратган буни фаросатдан қисибди, десангиз, бинойидай ўзига қарайди. Ювган кирларини кўрсангиз ё уй анжомларига кўзингиз тушса, ҳайфингиз келади. Демоқчиманки, қиз болада фаросат тарбияси масалалари ҳақида ибрат бўларли тажрибалар борми?

— Мен ўз онамдан олган сабоқларим ҳақида гапириб бера қолай: биз оилада уч қизмиз. Онамиз Мастура опа, толемизга умрларини берсин, бизни жуда эрта меҳнатга ўргатган. «Қилган ишинг кулиб турсин, чала қилгандан кўра қилмаганинг яхши» дердилар. Чой олиб келсак, чойнакнинг жўмрагига қарарди. Ичи сал қорайиб кўринса, таъблари кир бўларди. «Қозонни ювиб қулоғини, чойнакни ювиб жўмрагини ювмасанг фаросатсизлигинг нишони» дердилар. Кирни қинғир-қийшиқ, узун-қисқа осганларни кўрсаям ғашлари келарди, дордаги кирдан сув томчилаб турсаям танбеҳ берарди.

— Раисахон, қиз болаларга яна қандай фазилатлар кўрк беради? Борган жойларида туп қўйиб, палак ёзиб кетишлари учун уларни қанақа одатлардан асрасак яхши бўлади?

— Хоразмга борганлар бир чиройли тилакни айтиб келишган эди. Айтганча, буни сиз яхши билсангиз керак. «Боши ошоқ, тили юмшоқ бўлсин», деб дуо қилишар экан келинчакларни.

— Ҳа-я, «ошоқ» дегани паст дегани, йўқ «эгик» дегани. Кишининг кўзига, қайнота-қайнонасининг кўзига тик қарамасин, дегани-да бу.

— Мен қиз бола ғийбатга ўрганмасин, ота-онасининг уйига гап ташиб келмасин, дейман. Аёлларнинг ўзи тасқланган кийимларини кийдириб қўйган экан. «Бир ярашган ўзига, ўша масхара қилган қизларни эртаси бориб кўрсам, ҳақиқатан кийимлари замонавий, лекин кўпчиликники осилиб-сочилиб ётибди. Ўсмир қизларга хос кийимлар эмас, нима қилишимни билмай бошим қотиб ётибди», дейди у.

— «Қиз болани кўпам кийинтиравермаслик керак, бу нарса уни маънавий қашшоқ қилиб қўяди», деган гапларга мен унчалик қўшилмайман. Аксинча, бу нарса уларнинг кўнглини чўктиради, ҳаётга қизиқиши қолмайди. Биз қизларимизни кўпроқ бор нарсаларини чиройли қилиб кийишга ўргатамиз. Қизларим оддийгина либосларга жажжи гулчалар ё бир ажойиб жимжималар тикиб безашни яхши кўришади. Мен шу ўринда яна бир нарсани айтгим келади, баъзи оталар ҳалиҳануз ичкиликни яхши кўришади. Баҳона-сабабсиз яъни тўй-байрамсиз ҳам ўтириб, бир давра бўлиб ичкиликбозлик қилишади. Тағин «гап», «туғилган кун», яна қанақадир отлар қўйиб, ичкиликка ўрганган эркак ўзини ўнглаб олиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарсадан ҳеч нарсадан

Публицист минбари

БЕШ ДАҚИҚАГА СИҒМАГАН ДАРДЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда маърузалар учун 5 дақиқадан вақт берилди. Бу фурсат ўз юрти, она халқи, минтақаси, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти дарду ташвишлари билан безовта қалб соҳиби учун нақадар озлиги республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбири саволларига берган жавобларида яққол кўринди.

ВАЗИЯТ ТАҚОЗОСИ

Дунёдаги энг нуфузли ташкилот йиғинига ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар бири биридан ошириб ҳамду санолар ўқиши ҳам мумкин эди. «Тўйга тўёна билан борилади» деган нақлни ким ҳам билмайди дейсиз. Бироқ, бу нақлга заррача тил теккизмаган ҳолда бир нарсага эътибор беришга тўғри келади: айни пайтда ўтаётган ҳар бир кун, вазият инсоният олдига шу қадар қалтис ва нозик муаммоларни кўндаланг қўймоқдаки, темирни қизиғида босишдан ўзга илож йўқ.

«Мен бу ерда байрамга оид бирон нарса кўрганим йўқ» деди юртбошимиз. Ҳамонки 187 давлат раҳбарлари йиғилибдими, тўю-тантана эканидан қатъи назар бугунги ва эртанги кун учун асқотадиган амалий таклифлар ўртага ташланмоғи зарур. БМТнинг эртаси — унга аъзо бўлган давлатларнинг, Ер юзи аҳолисининг эртаси демакдир.

Асосли танқидни ҳатто шундай шодиёна кунда ҳам айтиш мумкинлигини кўриш учун узоққа боришнинг ҳожати қолмади, зеро, И. Каримовнинг БМТ фаолиятига дахлдор мулоҳазалари бошқа нотиқлар чиқишларида ҳам қўллаб-қувватланди.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАЁТГАН ОЛАМ

Яқин-яқингача дунё асосан икки қутбга бўлинган, ҳар қандай муаммо шу икки қутб нуқтаи назаридан талаш-тортиш бўлар эди. Ўша икки қутбнинг бир томони парчаландию, мустақил давлатларнинг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий муносабатларни буткул янги йўсинга солиб юборди. Ҳар каллада ҳар ҳаёл, деганларидек, нечта давлат бўлса шунча фикр-мулоҳаза. Ҳар бир давлат (хусусан, ёш давлат) ўзлигини англай бошлаган ўсмир каби ўз сўзини айтишга уринади. Бу ҳолат муносабатларнинг мураккаблашувига олиб келмоқда. Қудратли ва катта давлатларнинг ёш давлатларга муносабатида чигалликлар кузатилмоқда.

Айни шунинг учун ҳам БМТ ўз фаолиятини ана шунинг сингари ўзгаришларга мувофиқлаштирмоғи зарур, янгиланмоғи зарур.

Ғалати парадокс кузатилмоқда: шиддатли асримизда ер юзи ниҳоятда торайиб, кичрайиб бораётганга ўхшайди. Бир нуқтада пайдо бўлган офат курраи заминнинг исталган нуқтасига зудлик билан ёйилиши қийин эмас. Шу билан бирга ўз йўли, ўз маслаги ва ўз сўзига эга бўлган мустақил давлатларнинг вужудга келиши ҳудудларни, минтақаларни, мамлакатларни бир-биридан узоқлаштириб юбораётгандек таассурот қолдиради. Ўзбекистон ташқи сиёсатда мазкур икки жиҳатни назардан қочирмасликка ҳаракат қилмоқда.

Юзаки қараганда, Орол денгизи муаммоси Япония учун мутлақо дахлсиз кўринади. Аслида бундай эмас. Оролбўйи тўфони Ўзбекистонгагина қараб ёпирилмаяпти. Бундай миқёсдаги табиий офат на чегара, на масофа билади! На миллат танлайди! На майда гина-кудуратларга қарайди! Худо асрасину, бу кетишда Оролнинг шўри ўзбек учунгина эмас, бошқа халқларга ҳам бемалол етади...

Юртбошимиз Марказий Осиё минтақаси тақдири хусусида тўхталиб, «уйингдаги» деган сўзни айтди. Минтақа тақдири ўз уйимиз тақдиридек ташвиш туғдирмоқда. Беш қўшни давлат ҳудудига нисбатан «ўз уйимиз» туйғуси шаклланган тақдирдагина астойдил куюниш, астойдил қайғуриш бошланади. Қозоқдир, қирғиздир, туркмандир, тожикдир, ўзбекдир — Марказий Осиё минтақасини ўз уйи деб билишни ва барча саъй-ҳаракатларни ана шу тушунчадан келиб чиқиб мақсадга йўналтириш зарурлигини тақозо этмоқда давр. Катта ташвиш одамларни ҳар қачонгидан жипслаштирмоғи керак. Бешовлон бирлашса битмайдиган иш қолмайди. Мўъжизани қарангки, Марказий Осиёдаги беш давлат инсонга ато этилган беш бармоқ рамзини эслатади. Бу беш бармоқнинг пишиқ ва пухта, енгилмас муштга айланиши бешала бармоқнинг жипслигига боғлиқ.

ДУНЁ УМУМИЙ ФИКРИ

БМТ курраи заминдаги 5 миллиард аҳоли туриш-турмушини ўз назорати остида тутиб туришга уринмоқда. Мақсад — улуғ. Имконият-чи? Бундай вазифани эплаштириш осон кўчмаса-чи?

Бу ҳолда дунёнинг гоҳ у минтақасида, гоҳ бу гўшасида ўт-олов аланга олиб ёнаверадими? Айни пайтда уруш ўчоқларини ўчириш чоралари топилиши ўрнига улар кўпайиб бораётгани сабабларидан бири шунга бориб тақалмасмикан?..

Нуқсонлар сабабини аниқлаб, баралла айта олиш бир жасорат бўлса, уни бартараф этиш чорасини аниқ-лўнда кўрсата билиш уддабуронликдир. Республикамиз раҳбари томонидан шундай таклиф ўртага ташланди: минтақалардаги мавжуд халқаро уюшмалар ўз фаолиятини БМТнинг мақсад-маслагига ҳамоҳанг қила билмоғи ниҳоятда зарур! Бу — аввалам- бор умумий фикрни ишлаб чиқиш имконини беради.

«Дунё умумий фикри» жўн тушунча эмас. Ёруғ осмон остида яшаётган башарият тараққиётнинг шундай даврига кириб келдики, эндиликда ҳеч бир халқ дунё бехабар рўшноликка чиқолмайди. Ҳеч бир элатнинг бундай яшашга на маънавий, на моддий, на сиёсий, на-да ахлоқий жиҳатлардан ҳаққи қолди. Замон, давр инсоният олдига яхлит муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Қаранг-а, ялпи уруш хавфи, табиатнинг ялпи ғорат бўлаётгани, ялпи касалликлар, маънавиятнинг ялпи инқирози одамзод қавминнинг бирлашишини тақозо этмоқда, тафаккурда умумлашишга даъват этмоқда.

Тафаккур, маслак ва тадбир борасида умумлашишга интилиш келгуси аср кишиларининг қисматига айланса ажаб эмас.

ИНСОНИЯТНИ... ИНТИЗОМ ҚУТҚАРАДИ

Истиқлол йўлига дастлабки қадамларини қўйган мамлакатда демократия тушунчаси ўзига хос бўлиши, жумладан, жамиятнинг барча бўғинлари давлат томонидан бошқарилиши ва тартиб-интизом устворлиги таъминланиши зарурлиги юртбошимиз чиқишларида очиқ-ойдин эътироф этилаётганига қарамай «Ўзбекистонда демократия йўқ» дея Американи янгитдан кашф қилаётганлар топилиб турибди. Мантиқан таҳлил қилайлик: ҳамонки, инсоннинг энг оддий хатти-ҳаракати, гап-сўзи, юриш-туриши умумий маданият, назорат талабларига кўра шаклланар экан, ҳамонки, ҳар жамиятнинг яшаш тарзи муайян тартиботлар мажмуасига бўйсунар экан, нега энди жаҳон ҳамжамиятининг яшовчанлиги умуминсоний интизом, умумбашарий низомга бўйсунмаслиги керак?!.. Бир ташкилот теварагида расман қовушган давлатлар ушбу ташкилот Низомини писанд қилмаса кимга кераги бор бундай расмиятчиликнинг!..

Ўзлигини англаётганлар дунёсида яшаётганимизни айтдик. «Ўз манфаати йўлида оёғини тираб туриб олган давлатларнинг бошини қовуштириш ҳам ғоят оғир». Бундай вазиятда, ўткинчи машаққатлар баҳона юзкўрмас бўлиб кетиш осон. Давр, замон шундай. Бундай пайтда инсониятни ҳалокатдан интизом қутқаради. Президентимизнинг БМТ Низоми нуфузини ошириш ва аъзо давлатларнинг унга сўзсиз итоат этишига эришиш зарурлиги ҳақидаги таклифларида ана шу истак ўртага ташланди.

«Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур ақидани унутмаймиз, аммо-лекин айни пайтдаги гўзаллик интизомда эканлигини ҳам инобатга олишга тўғри келади.

«МЕН ЖАВОБГАРМАН»

Одамлар, жамоалар, давлатлар орасида келиб чиқадиган катта-кичик низолар аксарият айбни бировдан излаш билан бошланади. Инсоф билан айтганда, дўппи тор келганда айб-карохатни бировларга осонгина ағдариб қутилишга уриниш кўп учрайди.

Давлатлараро муносабатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунинг олдини олиш учун, кези келганда, очиқ сиёсат юргизиш, ички қиёфани яширмай кўнгилдагини очиқ-ойдин ўртоқлашиш ижобий самара беради.

Юртбошимиз бир ҳақиқатни дангалига айтди: «Бизларни қизиққон дейишлари бежиз эмас. Иззат-нафсониятимизга жиндек тегиб қўйилса, эртага бир ёниб кетсак, бу алангани ўчириш маҳол бўлади».

Бу гаплар вақти келганда айбни ўзгалардан изловчиларнинг кўзини очади. Айбни ағдариш учун айбдор изланмаяпти, балки бўлажак гуноҳкор гуноҳдан огоҳ этиляпти.

Соф ўзбекона дил изҳори бу! Бўлак иложи йўқ. Вақти келганда, ўзбекона дангаллик халқаро дипломатия соҳасида ҳам асқотар экан. Чунки ватан, халқ манфаати, тинчлиги, истиқлоли манфаатлари турган жойда чайналиш кетмайди. Чайналиш ҳозирги шароитга ярашмайди. Эрта бириси кун «Ўзбекистон остонасида тўсатдан хатар пайдо бўлса, аввало, мен жавобгарман», деди Президент.

Жавобгарлик зиммага шунга яраша масъулият юклайди. Бу икки юк залворини ҳис қилиб яшаётган, тиним билмаётган одамнинг шахсий орзулари жамият орзуларига эш бўлиб кетади.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ АРМОНИ

Шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлашиб кетиши фаровонлик ва юксалишнинг бош омилларидан ҳисобланади. Дарди, армони бир бўлиб кетиши бундай уйғунликни янада юқори поғонага олиб чиқади.

Мустақилликнинг бор-йўғи бешинчи йилида яшаётган Ватаннинг бошидаги ташвишларини тўлароқ тасаввур этиш учун ушбу жавобларда тилга олинган икки рақамга эътибор қилиш кифоя: Тожикистонда бир ярим, Афғонистонда уч ярим миллион ўзбек яшамоқда. Уларнинг ҳолидан ким хабар олади? Ким улар учун тинч ҳаёт шароитини яратади?

Бунинг чораси битта — у ҳам бўлса ҳар икки мамлакатда давом этаётган хунрезликка чек қўйиш керак, вассалом! Уруш олови сўнди дегунча йўл қурилиши бошланади. Ҳаёт йўли, бахт-саодат, маъмурчилик, маърифат йўли бунёд этилади! Ўн етти йил умрини биродаркушликка совурган сон-саноқсиз одамлар куч-қувватини ана шундай нурли йўлни қуришга сафарбар этиши миллионлаб афғонистонлигу тожикистонликнинг, миллионлаб Марказий осиёликнинг орзу-армони эмасми! «Агар шу мақсадимизга эришсак, билмадим... шахсан менинг ҳеч армоним қолмасди» дейди юртбошимиз.

Минтақанинг армони шахс армонига айланмоқда. Якка ва умум армоннинг бу тахлит қўшилуви армонлигича қолмайди, келажакда у катта кучга айланади, орзулар рўёбга чиқади. Фақат гирдобга тушиб кетишдан ҳушёр бўлмоқ керак.

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ

Ҳар қандай ҳаракат замирида ё моддий, ё маънавий манфаат ётади. Бу — сир эмас. Айби ҳам йўқ бунинг. Жаҳон айвонида пайдо бўлган, бўлаётган ёш, мустақил давлатларни оёққа туриб олган қудратли давлатлар қизиқиш билан кўз остига олаётгани худди шу нуқтаи назардан жуда табиий ҳол. Фақат бир нарсага ҳушёр бўлмоқ керак: ўша қудратли давлатнинг асл нияти нимада? Ёш давлатнинг оёққа туриб олиши учун берилаётган ёрдам замирида қинғир мақсад кўзланмаяптими?

Ҳозирги даврнинг э-энг мураккаб, қалтис масаласи десак янглишмасак керак. Президентнинг, «Дипломатия деган нарса осон иш эмас экан» деган сўзлари шу ва шунга ўхшаш саноқсиз муаммоларни қамраб олгандек туюлади.

Ҳаёт эса давом этмоқда. Турмуш машаққатлари, синовлари шафқатсиз. «Мустақил давлатман» дея жаҳон саҳнасига чиқдингми, марҳамат, катта сиёсат майдонга тушдинг дегани. Бундан кейинги тақдиринг шу майдонда босган қадамингга қараб белгиланаверади. Бироқ, аҳволнинг ғоятда қалтис жойи шундаки, катта сиёсатга қўшиламан деб катта ва тубсиз гирдобга тушиб кетиш ҳеч гап эмас. Афғонистон, Тожикистон гирдобдан узоқлаша олмаяпти. Бу диёрларда яшаётган фуқаролар тинч яшашни истамайдилар дейсизми! Бекор! Оддий халқ зиҳҳор урушни кўнгли тусамайди, лекин уларни уруш ҳолатига солиб қўйса, отани фарзандга, фарзандни оғага гижгижлаб қўйса ва уларга тўхтовсиз қурол етказиб «меҳрибончилик» қилиб турилса қирғинбарот уруш давом этаверади. Ва бу икки давлатдаги сингари бечора давлат, бечора халқ бўлиб қолади.

Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон алоҳида ўринга эгалиги, бу ердаги «об-ҳаво»нинг яхши-ёмонлиги асосан Ўзбекистоннинг шарт-шароитига боғлиқлиги кўплаб сиёсатчилар томонидан тан олинмоқда, эътироф этилмоқда. Бундан қувонаётганлар ҳам бор, ғаши келаётганлар ҳам бор. Чунки Ўзбекистон катта сиёсат саҳнасида тенгҳуқуқли муносабатларга ҳозирлигини очиқ-ойдин намойиш қилиш билан бир вақтда сиёсат ўйинларидан ҳосил бўладиган гирдоблардан ўзини сақлаб қолишга қурби, фаросати, имкониятлари, ғурури етажагини ҳам яширимаяпти. Худонинг назари тушган жаннатмакон Ўзбекистонни эгаллаб олиш нияти ҳеч кимни ҳомтама қилмай қўя қолсин. Ўзбекистонни Аллоҳ таоло ўзбеклар учун яратиб қўйган. Унга эгалик қилишни ўзбекларнинг ўзлари эплайдилар. Бинобарин, юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ҳар бир ўзбекнинг, тоза виждонли ҳар бир ўзбекистонликнинг онгига, қонига сингиши шарт. Умумхалқ, умуммиллат эътиқодига айланмоғи фарз бўлган сўзларни яна бир бор ўқинг: «Ўзбекистонга олиб келинадиган лойиҳалар сизу бизга манфаатли бўлса, марҳамат, олиб келинглар, деб айтаман. Аммо мен бирор жойдан бир доллар ҳам сўраган эмасман, сўрамайман ҳам. Ўзбекистоннинг ўз кучи етарли. Қурби етарли. Минг қатла шукрки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсон — кеча туғилган гўдакдан тортиб қарияларгача, ҳаммаҳамма бошини баланд кўтариб, қаддини ғоз тутиб, ғурур билан айтиши мумкин: бизлар ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, иншооллоҳ, бўлмаймиз ҳам! Худонинг бизга бергани бор».

АМАЛГА ОШАЁТГАН СЎЗ

Катта минбарда айтилган СЎЗнинг ҳаётдаги тасдиғи халқ кўнглига ишонч, қатъият бахш этади. БМТда нутқ сўзлангандан кейинги бир ой ичида мамлакатимиз ҳаётида уч унутилмас воқеа юз берди. Жумладан, Президентимиз бошлиқ делегациянинг Олмонияга расмий сафари тараққиётнинг икки хил поғонасида турган икки давлатнинг ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ муносабатлари ривожида янги саҳифани ташкил этди.

И. Каримов телевидение мухбири саволларига берган жавобида халқларнинг бирлашишида юзма-юз мулоқот, бевосита ахборот алмашинуви катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади. Бу гапнинг қанчалик тўғрилиги, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари халқлари бир-бирлари билан табиий равишда тил топиша олиши «Туркистон — умумий уйимиз» форуми кунларида яққол ўз тасдиғини топди. Том маънодаги эзгу ниятли зиёлилар бундай бирлашиш нақадар сурурли ва ҳаётий зарурият эканлигини, муҳими — мазкур заруриятнинг реал асослари мавжуд эканлигини бевосита шоҳиди бўлдилар.

Ватанимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар дунё халқлари кўз ўнгида содир бўлмоқда. Соф миллий анъаналарга хос ва мос, айни чоғда жаҳон андозаларига жавоб берадиган жамият қуриш тамойиллари тобора атрофлича пухталаб борилмоқда. Жаҳоншумул муаммолар борасида бош қотириш, уларни бартараф этиш учун ички муаммолар камайишини истайди кўнгил. Бироқ, ҳаётнинг, турмушнинг ўз қонунияти, ўз мантиқ кучи бор — ҳамон инсон тирик экан, у тинимсиз яхшироқ, тўкисроқ яшаш йўлларини излаётган экан гоҳ катта, гоҳ кичик узилишлар, ташвишли ҳолатлар кўндаланг бўлиши табиий. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ушбу ҳақиқатни яна бир бор намойиш этди. Юртбошимизнинг беш дақиқаларга эмас, соатларга сиғмайдиган дардлари ушбу сессиядаги маърузада бор бўйи билан кўринди.

Йўл қўйилаётган камчиликлар ватандошларимизни янада чуқурроқ мулоҳаза юритишга, янада ҳалолроқ ишлашга, Ватан ва истиқлол руҳига янада муносиброқ яшашга ундайди. Президент СЎЗИдаги некбинлик, истиқболга ишонч, шижоат одамларни фаолликка, тийракликка даъват этади.

x x x

Кунда, кунора маҳалламиз гузаридаги отахон қўшнилар гурунгига қўшиламан. Ҳаётнинг кў-ўп аччиқ-чучугини тотиган мўйсафидлардан бири қаттиқ ҳаяжонини яширимади:

— Президентни иккала чиқишини жон қулоғим билан эшитдим! Азбаройи таъсирланганимдан уйда тинч ўтиролмадим, ҳар бир одам ўз кўзи-ўз қулоғи билан кўрса, эшитса девдим-да!.. Бир одамми бошига шу-унча дард-ташвиш сигганини қара, ука!..

Шундай, БМТ йиғинида 187 давлат раҳбари иштирок этди. Маъруза учун уларнинг ҳар бирига 5 дақиқадан вақт берилди. Бошқа нотиқларни билмадиму, Ўзбекистон раҳбарининг ўй-хаёлида, юрагида қайнаб-тошаётган дард-ташвишлар 5 дақиқага сиғмаслиги аниқ эди. Самарқанддаги маърузачи? У ердаги оташин СЎЗ икки соатдан ортиқроқ давом этди...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

UZBEKISTAN airways

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ"
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ УЧУН
ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА!

Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Фарғона йўналишлари бўйича фақат 31 январгача авиачипталарни ярим баҳосига харид қилишингиз мумкин.

612 сўм эди, 360 сўм бўлди.

Авиачипталарни сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш керак: Усмон Носир кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: 066, 59-15-54.

UZBEKISTAN airways

СИЗ ҲАЛИ СУРИЯДА БЎЛМАГАНМИСИЗ?

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ"
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТДИ.

Ҳаво кўприги Тошкентни ушбу мамлакатнинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Ҳалап билан боғлади.

Тошкентдан шанба куни соат 12 45 да училади.
Ҳалапдан якшанба куни соат 12 50 да қайтилади.

СУРИЯ БИЗНЕС, МАДАНИЯТ ВА САЙЁҲЛИК УЧУН ОЧИҚ.

Авиачипталарни сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш керак: Усмон Носир кўчаси, 9-уй.

Телефон: 56-38-37.

"ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки (Хадра майдони)да

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида 1995 йил 23 декабрдан — 1996 йил 14 январгача
ЦИРК АРЧАСИ
Томошаларда:

Қорбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, цирк санъатининг барча жанрлари вакиллари ва ўргатилган ҳайвонлар қатнашади.

Томошалар 1995 йил 23 декабрдан — 29 декабргача.
Бошланиш соатлари: 12^00, 14^00, 16^00.
30 декабрь — 10^00, 12^00, 14^00, 16^00, 18^00.
31 декабрь — 10^00, 12^00, 14^00, 16^00.

1996 йил 1 январдан 7 январгача — 16^00, 18^00.
1996 йил 8 январдан 14 январгача — 10^00, 12^00, 14^00, 16^00.

Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган. Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш пули билан ҳам сотилмоқда. Касса соат 10^00 дан 18^00 гача ишлайди.

Тел: 44- 35-91, 44-35-89, 44-29-04.

ЭНГ САРА ВА АРЗОН

"ХАРУША-МАЮР ЛТД" қўшма корхонаси

HARUSHA MAYUR LTD

Тошкентдаги омбордан Германияда ишлаб чиқарилган PC/AT GX 486 DX40 шахсий компьютерларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

УПАР 386 SX 33 КОМПЬЮТЕРИ БАҲОСИДА СОТИЛМОҚДА.

— 486 DX/4 RAM/210 HDD/SVGA 14 "/3,5"-1,44Mb (mous) — баҳоси 59900 сўм.
— EPSON 1050+принтери — баҳоси 25000 сўм.
— Ҳимоя экрани (ойна камари) — баҳоси 800 сўм.
— Мультимедиа бутлиги — баҳоси 20000 сўм.
— Факс-модем платалари — баҳоси 7000 сўм.
— CD дисклари — 1000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Новомосковский кўчаси, 23-А уй. Телефонлар: (3712) 67-76-36, 67-69-94. Факс: (3712) 67-66-08.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
Ёшларни олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёрлайдиган 6 ойлик пуллик тайёрлов курсига
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсида институтнинг малакали профессор ва ўқитувчилари тингловчиларни математика, чет тили, ўзбек тили ва адабиётидан чуқурлаштирилган дастурлар асосида тест синовларига тайёрлайди.
Пуллик — тайёрлов курсларига ўрта маълумотга эга бўлган ёки ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиётган ёшлар қабул қилинади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Курс 1995 йил 11 декабрдан бошланади.
Курсга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: Институт ректори номига ариза, турар жойидан маълумотнома, 3х4 ҳажмдаги 2та сурат.
Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Ҳ. Асомов кўчаси (собиқ Софийский), 7-уй, институт маъмурияти биноси, 1 ва 28 хоналар.
Телефон: 34-72-92.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Зарифа» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Тел: 76-76-56.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партия Сирдарё вилоят кенгаши котиби С. Давлатовага онаси ҲОЖАРОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси селекция, уруғчилик ва генетика кафедраси доценти Рафиқ Юнусович ҲАСАНШИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТАБОБАТ ХАЗИНАСИ БОЙИЙДИ

Китоб жавонингизга

Абу Али ибн Сино номидаги Тошкент тиббиёт нашриёти томонидан бу йил чоп этилган «Умумий неврология» китобини кўздан кечирар экансиз «Табобат хазинаси яна бир бойлик билан тўлибди», деган фикр хаёлингиздан ўтади. У «дарслик» деб аталган бўлса-да, лекин илмий-амалий ва айниқса, тарихий аҳамияти бебаҳо. Муаллиф замонамиз неврология фанининг йирик намояндаси, Европа ва Осиё тиббиёт фанлари академиясининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1-Тошкент тиббиёт институти асаб касалликлари кафедрасининг мудири, профессор Наби Мажидович Мажидовдир.

Қўлланманинг дастлабки қисми шундай қизиқарли бошланганки, ўқувчи беихтиёр унинг кейинги бобларида баён этилган амалий ва назарий қарашларни қунт билан кўриб чиқишга ҳозирланади. Тиббиёт олий ўқув юрти учун дарслик сифатида ўзбек тилида ёзилган «Умумий неврология» илк бор 1973 йилда чоп этилган эди. Мустақиллик туфайли республикамизда тиббиёт институтлари кўпая бошлаган чоғда талабаларимиз, мутахассисларимиз ўз она тилида билим олиш, билимларини такомиллаштириш имкониятига эга бўлган чоғда бу асарнинг қайта нашр этилиши айни муддао бўлди.

Масаланинг иккинчи томониям бор, яъни «Умумий неврология»нинг бу нашри олдингисидан катта фарқ қиладди. Унда узоқ хорижда ҳам чоп этилаётган дарсликлар ичида илк бор неврология фанининг тарихи қисқача баён этилган. Жумладан, араб тилида ёзиб қолдирилган асарларга ва Ибн Сино неврологиясига катта аҳамият берилган. Буюк мутафаккир таъриф этган кўпгина касалликлар манзараси ҳозирги кун таърифидан деярли фарқ қилмаслиги исботланган. Катта мамнуният билан шуни айтиш керакки, китобда Ўзбекистон неврологиясининг тарихи биринчи бор (доцент Х. Ҳалимова томонидан) ёритилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон олимларининг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ютуқлари мавжуддир. Биринчи ўзбек-профессор неврологи Х. Салоҳиддиновнинг ангионеврологияга оид ишлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. Раҳимжоновнинг бод дардининг асаб тизимига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказган изланишлари шулар жумласидандир. Лекин Ўзбекистон неврологиясининг тарихи тўла бўлиши учун Наби Мажидовнинг ишлари устида алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Устоз қалами остидан уч юздан ортиқ мақола ва қирқдан зиёд илмий ишлар тўпламлари чиққан. Олимнинг бош мияда содир бўладиган сурункали яллигланиш («лептоменингит», «хорио-эпендиматит») касалликларининг моҳиятини аниқлаш, ташҳис қўйиш ва даволаш тавсияларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказган ишлари айниқса, муҳим. У Ўзбекистон фанини оламга танитган ишлар қаторига киради.

«Умумий неврология»да асаб тизимининг морфология, физиология, генетикаси ва касалликларни ташҳис қилиш бўйича қўлга киритилган сўнгги ютуқлар мужассамлаштирилган. Талабаларнинг мавзуни ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида асаб тизимининг ҳар бўлимига оид анатомияси, функция, патологияси ва текширув услублари тўғрисидаги маълумотлар шу бобнинг ўзида берилган. Бошқа тилларда ёзилган «Умумий неврология» китобларидан фарқли ўлароқ, бош мия пўстлоғи олий нерв фаолиятини нейропсихолог усуллар ёрдамида текшириш ҳамда тиббиёт генетикаси тўғрисидаги боблар киритилган бўлиб, уларнинг яратилишида доцент Н. Акбарова ва Н. Икромовалар фаол қатнашишган. Бош мия моддасининг ядромагнит резонанси рўй бераётгандаги ҳолати, қисқа муддат ичида парчаланиб кетадиган изотоплар ёрдамида олинадиган тасвирлари ҳақидаги маълумотлар илк бор ўзбек тилида қиёсланган.

Наби Мажидовнинг ўз издошлари билан яратган бу ажойиб китоби олий таълимнинг тиббиёт соҳасини ривожлантиришда салмоқли ўрин эгаллашига ишонамиз.

Озод ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон неврологлар илмий-тиббий жамият раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ҚАТЪИЯТ — АДОЛАТГА ПЕШРОВ

Шаҳрисабз шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Бўри МЎМИНОВ билан суҳбат

Шаҳрисабз шаҳар прокуратураси давлат муҳофазасига олинган иморатлар, шунингдек, шаҳар хўжалигида қонунлар ижросини қатъий назорат қилиб бормоқда. Маълум бўлишича Ғ. Ғулом номидаги, Н. Нугаев, «Ипак йўли» кўчаларида яшаётган 42 хонадон эгалари иморатлар қаршисидаги ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, қурилиш қилишибди. Улар «Ер тўғрисида»ги Қонун талабларини қўпол равишда бузишган бўлса-да, ҳеч қандай чора кўрилмаган. Шаҳар халқ суди ҳам бу масалани муҳокама қилишдан ўзини четга тортган. Бир неча йиллик можарога прокуратура аралашгач, чек қўйилди.

— Қатъият етишмаган жойда адолат топталади. Айримлар ўзларининг «йўл-йўриқлари»ни кашф этадилар. Кўнглингизга олмангу, аммо айрим ҳуқуқшунослар ҳам «бетарафлик» йўлига ўтиб олишмоқда. Бунинг маънавий зарари озмунчами?

Қарийб 67 минг аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг аниқ тадбирларига эгамиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳкамалар ва бутун жамоатчиликнинг кучи бирлаштирилмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий жиноятлар 34,3 фоизга камайди. Талончилик, босқинчилик каби ҳодисалар қайд этилмади.

Шаҳар прокуратурасиҳар бир ноқонуний ҳаракатга тегишли баҳо беришга интилмоқда. Назорат тартибида ўтказилган текширишларда аниқланган 6 та ноқонуний қарорга эътироз билдирилди. Тўртта масала юзасидан жиноий иш қўзғатилди. 38 мансабдор шахс огоҳлантирилди. Ташкилот ва корхоналарга 47 та тақдимнома киритилиб, бажарилиши назорат қилиб борилмоқда. Қонунни бузган 49 киши интизомий, 7 киши моддий жазога тортилди. Масалан, «Турон» маҳалласи фуқаролар кенгаши раиси Ҳамро Эргашев кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақани тақсимлашда таниш-билишчиликка йўл қўйганлиги учун ноқонуний тўланган маблағ унинг ўзидан ундириб олинди. Маҳалла бошқарувини мустаҳкамлаш масаласи шаҳар ҳокимлиги олдига қўйилди.

Ана шу бекор қилинган қарорлар, қонунга хилоф қадамлар таҳлил қилинса, ҳақиқий аҳвол ойдинлашади. Мисол тариқасида бир вақтлар иқтисодий бақувват ҳисобланган, турдош корхоналар орасида вилоятда ягона — Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасини олиб кўрайлик. Ўтган йилнинг март—июль ойларида корхона омбор мудири Б. Тошмуродов 19 тонна керосинни ўзлаштирган ва сохта ҳужжатлар тузган. Тўла исботини топган жиноий иш судга юборилди. Аммо бошқа масала ҳам кўндаланг турарди. Нега корхона иқтисоди бир жойда депсиниб қолмоқда?

Бир қаращда бу «соф» иқтисодий масаладек туюлади. Аслида бундай эмас. Ҳозир корхона ўзининг қиммат нархларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сота олмаяпти. Бунга юқори устамали қарз олганлиги сабаб қилиб кўрсатиляпти. Буни ҳам инкор этиш мумкин эмас. Бироқ бозор муносабатларига ўтишга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда тадбиркорлик етишмаганлиги ҳам бугунги аҳволга олиб келган. Аниқланишича, бир-икки йил олдин «Темурий», «Орзу» фирмалари билан 100—150 миллион сўм-купон атрофида олди-сотди қилинган эди. Фақат прокуратура аралашгач, бир қисм пуллар корхонага қайтарилди.

— Тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шароитлар яратиб берилаётганига қарамай, айрим кишилар қонунларни четлаб ўтишга уринмоқдалар. Бунинг сабаби нимада?

— Шаҳрисабз моддий-техника таъминоти омборхонасида шундай воқеа юз берди. Ташкилот таъминотчилари ўтган йилнинг октябрь ойида 10,1 тонна олма, 10 тонна пиёз — жами 91650 сўмлик маҳсулотни юртимиздан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун «Фарҳод — Пермь» фирмаси билан тузилган шартномани асос қилиб кўрсатишган. Қизиғи шундаки, четга чиқарилган маҳсулот эвазига ҳеч нарса келмаганлиги ҳақида сохта ҳужжат ҳам тузиб қўйишган. Нега шундай йўл тутишган, деган савол туғилади. Ҳақиқатда, маҳсулот эвазига келган «ГАЗ-24» русумли «А-142 КХ-РУС» давлат белгили машинани ишонч қоғози орқали ташкилот таъминотчиси Б. Эргашев миниб юрганлиги маълум бўлиб қолди.

Бу иш ҳозир чуқур таҳлил қилиняпти. Жумладан, четга чиқарилган маҳсулот эвазига республика Молия вазирлиги ҳисобига хорижий валюта билан тўлов тўланмаганлиги, шу асосда қонун талаби бузилганлиги ҳам масалага жиддий ёндашишни тақозо этаётир. Негаки, солиқ — давлатимизнинг асосий иқтисодий таянчидир. Айрим корхоналар солиқ тўлашга ноқобил бўлиб қолишяпти. Мисол учун шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан Шаҳрисабз деҳқон бозорида текшириш ўтказилганда ўндан ортиқ киши чайқовчилик ва олди-сотди билан шуғулланётгани ҳолда бир тийин ҳам солиқ тўламай юргани аниқланди. Бундай аҳвол бошқа жойларда йўқ дейсизми?

— Сиз тилга олаётган воқеаларда ҳаёт бўй-басти билан кўриниб турибди. Анча чигал масалаларга ҳам ўз вақтида муносабат билдирилаётганлиги, айниқса, эътиборни тортади. Ана шулар ҳақида ҳам гапириб бersангиз.

Олайлик, ўтган даврда одам ўлдириш билан боғлиқ иккита жиноят юз берди. Собир Раҳимов кўчасида яшовчи Актам Худойбердиев жаҳлга эрк бериб, акаси Азизнинг қотилига айланиб қолди. «Ипак йўли» кўчасида истиқомат қилган М. Файзиевни қайниси Т. Жалолов аёвсиз калтаклаб, ўлимига сабабчи бўлди. Бу оғир жиноятлар замирида оилавий можаролар ётибди.

Қўшнилар, маҳалла аҳоли оилавий фожеаларга бефарқ бўлмасликлари, айниқса, болалар тарбиясини назардан қочирмасликлари лозим. Балоғатга етмаган Александр Шагиев уч марта ўғирликка қўл урди. Ўспирин носоғлом оилада яшаган. Унинг иккита акаси жиноят қилиб, қамалиб кетишган. Отаси ва опаси болани қаровсиз ташлаб қўйишган. Тупроққа тушган ёввойи ўсимлик уруғидек Александр ҳар томонга шох ташлаб ўсган, бебошлик—жиноятга етаклаган...

Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

● ГЕРМАНИЯДАГИ «Риза» клуби таклифига кўра акробатикачиларимиз халқаро мусобақада иштирок этиқди.

Вакилларимиздан Наргиза Қодирова, Люция Чинакаева ва Оксана Турғуновалар фахрли 2-ўринни эгаллашди. Жуфт бўлиб машқларни бажаришда Я. Саргина билан Т. Шоипов бронза медали соҳиби бўлдилар.

САМОДА ЖАВЛОН УРИБ

● ТОШКЕНТ. Яқинда парашютдан сакраш бўйича армиячилар очиқ чемпионати ҳамда жаҳон чемпиони Владимир Крестьянников хотирасига бағишланган Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

50 нафар моҳир парашютчи иштирок этган бу мусобақада 1200 ва 2200 метрдан гуруҳ бўлиб сакрашда Темур Одилбековнинг маҳорати юксак баҳоланди. Чирчиқлик Александр Кисилев билан Александр Корабейников фахрли 3-ўринни эгалладилар.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 8 декабрь, жума куни чиқади).

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

"ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки (Хадра майдони)да 1995 йил 12 — 21 декабрда Ўзбекистон пойтахтида биринчи марта фақат 10 кун

ЛЕНИНГРАД ЦИРКИ — "БИЗ ПИТЕРДАНМИЗ" ТОМОШАЛАРИ

Дастурда:
Санкт-Петербургдан келган ўргатилган айиқлар, шоҳ кабутарлари, кучуклар, заҳарли ва баҳайбат илонлар, бошқа ҳайвонлар, азамат культуристлар, ҳаво гимнастлари, велофигуристлар, масхарабозлар ва бошқа артистлар қатнашадилар.

Томошаларнинг бошланиш соатлари:
16 — 17 декабрь (шанба — якшанба)да 12^{00}, 15^{00}.
12, 13, 14, 15, 18, 19, 20, 21 декабрда 10^{00} ва 14^{00}.

Тел: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-89.

ЛЕНИНГРАДЧИЛАР СИЗНИ КУТАДИ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан Польшанинг "*Коинот*" шоколадли тортларини, Бельгия, Италия "*ROYAL*" спиртини, Италиянинг "*Ponti*" ароқлари

СОТУВИНИ БОШЛАДИ.

Италия, Греция, Бельгия, Германияда ишлаб чиқарилган кенг турдаги озиқ-овқат, шампань виноси, ароқ, ликёр, вино ҳамда қандолат маҳсулотларининг

САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Омборда нархи туширилган ксерокс, факс, компьютер ва калькуляторлар мавжуд.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 1.
Маълумотлар учун телефонлар:
45-55-65, 45-70-65.

UZBEKISTAN airways

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ

"Ҳаммаси офис учун" савдо - кўргазма салони

АГАР СИЗ ОФИСИНГИЗ КЎРИНИШИ ЭНГ ЯХШИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШИНИ ИСТАСАНГИЗ, УНДА "ҲАММАСИ ОФИС УЧУН" САВДО-КЎРГАЗМА САЛОНИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.



АКШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ МАҲСУЛОТЛАРИ.



- ОФИС МЕБЕЛИ, КОНДИЦИОНЕРЛАР, СЕЙФЛАР,
- ОФИС ЖИҲОЗЛАРИ, КАЛЬКУЛЯТОРЛАР,
- ОФИС ГИЛАМ ҚОПЛАМАСИ,
- ЁРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА PHILIPS ЁРИТГИЧЛАРИ.

Бизнинг манзил: Чилонзор, 53-А ўй. Тел.: 77-10-38, 77-35-69.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МАВЖУД!

Арзон нархлар
Ҳақ тўлаш пул ўтказиш йўли билан сўмда.
Тошкентдаги омбордан ортилади.

ДЕРАЗА ОЙНАСИ

МАНФААТДОР КЎШИЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Газалкент ойна заводи" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган дераза ойнаси фақат "Ўзқурилишматериаллари" давлат концернининг "Қурилиш материаллари" савдо уйи орқали сотилади.
Манзил: 700070, Тошкент, Мирокилов кўчаси, 68-а (йўналиш: Бобур боғи).
Тел: (3712) 55-79-19, 55-76-31, 54-55-39, 55-46-92, Факс: (3712) 55-74-66.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қонтомир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодерминнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс. 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлиқ, туман бойлик тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир Н.Шакаров, навбатчи С.Йўлдошева.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.00.

123456.